

**Москов ва Бутун Рус Партриархи КИРИЛЛнинг
архипастирларга, пастирларга, диаконларга, монахлик мақомидагиларга
ва Рус Православ церковининг барча эътиқодли қавмига
Пасха табрикномаси**

**Парвардигорга муҳаббатли олий ҳазрат архипастирлар, имон-эътиқодли
пресвитерлар ва диаконлар, тангри ишқидаги иноклар ва инокиня
хонимлар, қадрли биродарлар ва опа-сингиллар!**

Ушбу улуғ ва шарафли айём – дунё Нажоткорининг ўлган ҳолатдан Тирилиш кунда руҳларимиз тантанавор туйғуда экан, онгимиз ила Унинг тобутдан чиқиб келишини фараз қилар эканмиз, сизнинг барчангизга енгилмас ҳақиқатнинг ва қувончининг ички қувватга тўла, ҳаётбахш нидосини етказаман:

ХРИСТОС ТИРИЛГУЧИДИР!

Чароғон пасха кечаси Тангри башариятга муҳаббатини тўлақонли ифода этади, бу тунда Самовий Отанинг абадиятга дохил Ўғли Ўз хилқатига кўра инсон шаклини олиб, ушбу вужудни дарддан ва гуноҳдан фориг этди, ва ҳамда жаҳаннамнинг тубига тушиб ўлим кишанларини парчалаб ташлади, бу билан бизларга ўз Яратгучимиз ва Санъаткоримиз билан бирлашишнинг бебаҳо имконини яратиб берди.

Парвардигорга нисбатан ана шу кенг қамровли муҳаббатга дохил бўлар эканмиз, бизлар *ушбу аср дунёсининг зулмат ҳукмронлигига қарши, само остидаги жаҳолат руҳониятига қарши* (Еф. 6, 12) енгилмас қуролга эга бўламиз. Биз ўзимизнинг башарий чекланганлигимиз сабабидан келиб чиқувчи ваҳимадан халос бўламиз, ҳамда замоннинг ҳар қандай қаршиликларига тик боқа оладиган бўламиз. Зеро *ишқ қўрқинч билмайди, аммо мукамал муҳаббат қўрқинчни ҳайдаб чиқаради* (1 Ин. 4, 18).

Бежиз эмаски, Инжил бизга Тангрининг сўзларини қайта-қайта такрорлайдики, бу сўзлар Унинг томонидан Ўз издошларини қувватлаш ва уларнинг руҳини мустаҳкамлаш учун айтилган: *Қўрқмагин!*. Келажакдан ҳайқиш, хавф-хатарлардан, номаълум, яширин ёки ҳаққоний таҳдидлардан ҳадиксираш – кўпчилик учун таниш туйғу. Аммо Тангри биз билан биргадир, магарам, биз уни тарк этмаган бўлсак. Унинг ўлим устидан зафар қозониши шарафланаётган кунларда Нажоткор ҳар биримизга қайтадан мурожаат этади: *Қўрқмагин, фақат ишон!* (Мкю 5, 36).

Бугунги куннинг маккарона руҳига қарши тургувчи бизнинг ахлоқимиз Абадий Ҳақиқатнинг очиқ тасдиғига айланиб қолсин. Зеро, бизлар бугунги кунда ижтимоий ва диний эркинлик ҳолатида бўлсак-да, христиан ахлоқий меёрларига мувофиқ тарзда ҳаёт кечиришга интилишимиз, аввал бўлганидек, оқимга қарши бориш билан тенг. Бу интилиш одамларнинг ҳаётига узлуксиз равишда ва қатъий кириб келаётган, кишилар онгига таъсир этишнинг замонавий воситалари орқали сингдирилаётган гуноҳларни оқлашга йўналтирилган ахлоқ билан ва ҳатти-ҳаракатлар билан чиқиша олмайди.

Тангрига муржаат этиш орқали биз руҳий бўшлиқдан ва дунёга эгалик қилиб турган худбинликдан халос бўлишимиз, Тирилиш зиёсини кўришимиз, уни Самовий Шаҳр сари юришимизда йўлчи юлдуз қилиб олишимиз мумкин бўлади.

Абадият сари ҳаракатимизда куч-қувват манбаи ягона Евхарист жомига дохиллик биз учун куч-қувват манбаи бўлғусидир. Бизларни Муқаддас Рух кўлласин, қалбларимизга чексиз эминлик, эътиқодимизда собитлик, яхши амалларимизда муваффақиятлар берсин.

Христос Вужуди ва Қонига бирикар эканмиз, биз *Илоҳий вужуд* (2 Пет. 1, 4) нинг ўз табиий ҳолатини ўзгартиришга қодир бўлган бўлакларига дохил бўламиз. Ана шу Дохиллик орқали бизлар ҳар жиҳатдан, Унга, бизнинг манфаатимиз учун *Ўзини қул сиймосини олиб, одамларга ўхшаши ва уларнинг шаклига кириш орқали хўрлаган; Ўзини ҳатто ўлимгача, ва ҳатто хоч қатлига таслим этган* (Флп. 2, 7-8) Зотга ўхшашлик имконини топамиз.

Ўзликни маънавий, ахлоқий жиҳатдан ислоҳ қилиш жамият ҳаётини ўзгартиришнинг бош омили ва асоси ҳисобланади. Майда унсурларни ўзгартмай туриб, бутун бирликни яхши тарафга ўзгартириб бўлмайди. Барча ёшдаги, ижтимоий ва сиёсий гуруҳга мансуб кишиларнинг тўғри дунёқараши Мамлакат фаровонлигини белгилаб беради. Қадимий Рус барча давлатларининг, бизнинг Черковнинг, ва пировардида – Тангри халқ қилган ва парвардигоримиз томонидан бизларга авайлаб асраш ва *уни сақлаш* (Бқт 2,15) учун бериб қўйилган борлиқнинг ривожланиш йўли бизнинг ҳаётий таянчларимиз қандай бўлишига боғлиқ.

Дуода туриб, азизларим, Сизларга ушбу тилакларимни изҳор этаман, Тирилгучи, жаҳаннам Голиби борасида ҳисобсиз қувонч ичра бўлинг, сизнинг кундалик заҳматингизга олий даргоҳдан баракотли мадад етсин.

ДАРҲАҚИҚАТ ХРИСТОС ТИРИЛГУЧИДИР!

Омин.

+КИРИЛЛ,

МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИ

Москва,

Хриситос насхаси

2012 й.